F 70297

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

21 февраль, жума, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 39 (1556)

# ЎЗБЕКИСТОН -- САЛОҲИЯТЛИ ҲАМКОР

**20 февраль куни Тошкентнинг Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Литва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускасни расмий кутиб олиш маросими бўлди.**

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Литва Президенти Алгирдас Бразаускас махсус шоҳсупага кўтарилди. Ҳар икки давлат мадҳиялари янгради.

Маросимдан кейин мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Литва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускас ўртасида яккама-якка суҳбат бўлди. Ўзаро суҳбат чоғида икки давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, минтақавий ва халқаро доирадаги айрим муаммолар билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашдилар.



Шундан сўнг президентлар иштирокида Ўзбекистон ва Литва Республикалари расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди.

Президент Ислом Каримов Алгирдас Бразаускас раҳбарлигидаги Литва делегациясини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ҳукумати мазкур учрашувлар ва музокараларга алоҳида аҳамият бераётганини, зеро, мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларида ушбу Болтиқбўйи давлати катта ўрин эгаллашини таъкидлади. Ислом Каримов меҳмонларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар жараёни, республикамизнинг ташқи ва ички сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётида қўлга киритаётган ютуқлари хусусида сўзлаб берди.

-- Кейинги йиллар давомида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларда сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланяпти, -- деди Президент Ислом Каримов. -- Жумладан, 1996 йилда маҳсулот айрибошлаш ҳажми 1995 йилга нисбатан икки баробар ошди. Лекин бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам мавжуд. Хусусан, ҳар икки мамлакат иштирокида қўшма сармоя лойиҳаларини тузиш ва уларни фаол ишга солиш ҳам манфаатли ҳамкорлик истиқболини таъминлайди.

Ўзбекистон раҳбари енгил саноат, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва ёғочни қайта ишлаш соҳаларида ана шундай қўшма лойиҳаларни ишга тушириш ҳамда бу борада узоқ муддатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш истиқболли эканини қайд этди. Президент Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, литвалик тадбиркорларнинг Ўзбекистонда яхши обрў-эътибор қозонгани ва ўзбек ҳамкорларининг ишончлилиги бундай қўшма фаолият равнақига гаров бўла олади. Шунингдек, мамлакатларимиз ҳамкорлигининг яна бир муҳим йўналишини коммуникация тармоғи ташкил этади. Хусусан, Ўзбекистон маҳсулотларини экспорт қилишда Литва бандаргоҳларидан фойдаланиш ҳар икки томон учун фойда келтиради.

Музокараларда Ўзбекистон раҳбари Литва билан минтақавий хавфсизликни таъминлаш, гиёҳвандлик моддаларининг тарқаталишига қарши биргаликда курашиш ҳам ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини ташкил этишини айтди. Президент Ислом Каримов Литванинг Европа тузилмалари ва НАТО билан интеграциялашувга қаратилган ташқи сиёсати ҳамда БМТнинг тинчликни сақлаш тадбирларида қатнашиш борасидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

-- Ўзбекистон Литванинг Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик ҳамкори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, -- деди Литва Президенти Алгирдас Бразаускас. -- Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган соҳалар рўйхатини янада кенгайтириш тарафдоримиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги масофанинг узоқлигига қарамай, Ўзбекистоннинг салоҳиятли шерик экани бизни ҳамиша рағбатлантириб туради.

Литва раҳбари Ислом Каримовнинг 1995 йил ёзида Литвага расмий ташриф буюриши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка ҳуқуқий асос солгани ҳамда ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилганини таъкидлади. Шунингдек, Литва Президенти Ўзбекистон раҳбарининг коммуникация ва транспорт соҳаларида ҳамкорлик қилиш, енгил ва озиқ-овқат саноати, тўқимачилик тармоқларида қўшма ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлади.

Музокаралар чоғида ўзаро ҳисоб-китобларда клеринг тизимини йўлга қўйиш ва бу борада қўшма комиссия тузиш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Музокаралар якунлангач, икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Алгирдас Бразаускас Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Литва Республикаси Президенти учрашуви якунлари бўйича қўшма баёнотга имзо чекдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати билан Литва ҳукумати ўртасида автомобил транспортида халқаро йўловчи ва юк ташиш тўғрисидаги, темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси юкларини Клайпед бандаргоҳи орқали ташиш учун транспорт ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳақидаги битимлар имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари К. Раҳимов ва Литва алоқа йўллари вазири А. Жваляускас имзолади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасида фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома ҳам имзоланди. Мазкур шартномага Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Литва адлия вазири В. Пакалнишкис имзо чекди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин ҳар икки давлат раҳбарлари маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларнинг музокаралар якунларига оид саволларига жавоб қайтардилар. Президентлар учрашувлар самарали ўтгани ҳамда Ўзбекистон билан Литва ўртасида манфаатли ҳамкорлик равнақининг муҳим омили бўлмиш ўзаро ишонч мустаҳкамлигига амин бўлганликларини таъкидладилар.

Литва раҳбарининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

*СУРАТДА: кутиб олиш пайти.*
**Р. ШАГАЕВ олган сурат.**

## ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРИМИЗ ТЎЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК



***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан бу йил кузда қадимий шаҳарларимиздан иккитасининг -- Хева ва Бухоронинг 2500 йиллиги байрам қилинади.***

ЮНЕСКО қарорига асосан эса бу сана бутун жаҳон бўйлаб нишонланади. Мазкур тантаналарга тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Айни кунларда Бухорода ҳам, Хевада ҳам қадимий ёдгорликларни таъмирлаш, янги йўл ва йўлкалар, хиёбонлар барпо этиш, бутун шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авж олган. Бу ишга наинки Хоразм ва Бухоро усталари, ишчилари, айни чоғда Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Андижон, Фарғона, қўйингки, мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан халқ усталари, таъмирчилар, қурувчилар ва бошқа касб эгалари келиб, қадимий шаҳарларимиз юбилейига тайёргарлик ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ушбу шаҳарлар юбилейига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилий қўмиталарининг аъзолари 19 февраль куни Хева ва Бухоро шаҳарларига ташриф буюрдилар. Улар мазкур шаҳарларда юбилей тантаналарига қадар битказилиши зарур бўлган объектларни кўздан кечирдилар, таъмирлаш, ободонлаштириш, умуман, тайёргарлик ишларининг аҳволи билан танишдилар. Бу борада Бухорода амалга оширилган ишлар ташкилий қўмита аъзоларини қувонтирди. Хусусан, Калон масжиди, Мир араб мадрасаси, Арк қалъаси каби тарихий обидаларда бажарилган ва бажарилаётган ишлар диққатга сазовордир. Хевада ҳам бирмунча ишлар қилинган, қилинмоқда, аммо ишнинг умумий суръати талаб даражасида эмас, деган хулосага келинди.

Бу ҳақда ташкилий қўмитанинг Хевада ўтган йиғилишида очиқ айтилди, камчиликлар кўрсатилди. Хева шаҳар, Хоразм вилояти ҳокимлигига, вилоятнинг тегишли раҳбарларига, алоқадор вазирликлар вакилларига аниқ топшириқлар берилди. Бухородаги йиғилишда ҳам ижобий ишлар қайд этилгани ҳолда, ҳали бажарилиши лозим бўлган юмушлар анчагина экани, суръатни бир кун ҳам сусайтирмаслик зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Зарур топшириқлар, кўрсатмалар берилди. Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари К. Каримов, Хева шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р. Бобожонов, Бухоро шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Нажмиддинов, Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Б. Абдураҳимовнинг ахборотлари тингланди.

Ҳар иккала йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмиталар раиси И. Жўрабеков бошқарди. Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Р. Юнусов, Хоразм вилояти ҳокими И. Юсупов, Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов қатнашди.

**(ЎзА).**

***Пойтахтимизнинг Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида «Маҳалла -- маънавият, маърифат ва тарбия маскани» мавзуида республика семинар-кенгаши бўлди.***

## МАҲАЛЛА -- ТАРБИЯ МАСКАНИ

Семинар-кенгашда миллий ва маънавий қадриятлар, муҳим тарбия маскани бўлган маҳаллада маданий ва маърифий ишларни янада ривожлантириш, маҳалла гузарлари ва чойхоналарда турли маданий тадбирларни ташкил этиш, шунингдек, маҳаллаларда миллий спорт ўйинларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр юритилди. Тадбир доирасида маҳалла оқсоқоллари, маданият уйи раҳбарлари, олимлар ва ижодкорлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Тошкент шаҳрининг бир қатор маҳаллаларида ўзаро тажриба алмашди.

**(ЎзА).**

## ЯНГИЧА ЁНДАШИШ -- МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

***Самарқандда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, корхона, муассаса ва хўжалик раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари бошлиқлари, деҳқон (фермер) хўжаликлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Йиғилишни вилоят ҳокими А. Мардиев бошқарди.***

Йиғилиш иштирокчилари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар. Сўзга чиққанлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида муайян ижобий ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш билан бирга, юртбошимиз нутқида тилга олинган кўпгина хато ва камчиликлар Самарқанд вилоятида ҳам мавжудлигини таъкидладилар. Жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, аҳолини иш билан таъминлаш, хорижий сармояларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Рўйхатга олинган 146 қўшма корхонанинг деярли ярми ишламаяпти. Бу борада кўпгина раҳарларда ишга янгича ёндашиш, ташкилотчилик етишмаяпти.

Шунингдек, йиғилишда контрактация шартномалари тузиш, аҳолига савдо, тиббий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш, шахсий томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси -- назорат инспекцияси раҳбари Ё. Жалолов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## ТОШКЕНТ БИЛАН ТАНИШУВ

***Литва Президенти Алгирдас Бразаускас Ўзбекистонга сафарининг иккинчи куни Президент Ислом Каримов билан пойтахтдаги Алишер Навоий миллий боғига ташриф буюрди.***

Олий мартабали меҳмон шеърият мулкининг султони ва буюк давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Литва Президенти Алгирдас Бразаускас Тошкент марказида қад кўтарган Темурийлар тарихи давлат музейини ҳам бориб кўрди. Миллий анъаналар асосида қурилган мазкур замонавий музей ва ундаги темурийлар давридан ҳикоя қилувчи ноёб тарихий экспонатлар олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди. У музейнинг фахрий меҳмонлар китобига эсдалик дастхати ёзиб қолдирди.

Литва давлати раҳбари республика биржа марказида бўлди. Алгирдас Бразаускас марказ замонавий техника билан жиҳозланиши жиҳатидан МДҲда ноёб эканини таъкидлади.

Олий мартабали меҳмоннинг Темурийлар тарихи давлат музейи ва биржа маркази билан танишуви чоғида унга Бош вазир Ўткир Султонов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов ҳамроҳлик қилди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН -- ЛИТВА БИЗНЕС СЕМИНАРИ

20 февраль куни пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Литва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускасга ҳамроҳлик қилаётган ушбу мамлакат ишбилармонлари билан республикамиз вазирликлари ва муассасалари раҳбарлари ҳамда тадбиркорлари иштирокида Ўзбекистон -- Литва бизнес семинари бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон билан Литва Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий, молиявий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, ёғочни қайта ишлаш, машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи қўшма корхоналар тузиш борасида ўзаро фикр алмашилди. Шунингдек, банк тизими, сармояларни муҳофаза қилиш, нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда кимё саноати соҳаларида кенг ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ўзаро тажриба алмашишга келишиб олинди.

**(ЎзА).**

*БИЗНИНГ ШАРҲ*

## ХАЛҚАРО БОЗОРГА КЕНГ ЙЎЛ

***Мулкдор борки, у хоҳ юртдошимиз, хоҳ хорижлик бўлсин, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг суғуртавий ҳимоя қилинишини истайди.***

Бусиз, ҳеч бир мамлакатда экспорт ва импорт даражаси ўсишини таъминлаш мушкул, қолаверса, бугунги кунда экспорт ўсишини рағбатлантириш, ўзбекистонлик экспорт қилувчиларни суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлаш, Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг технология, товарлар ва хизматлар халқаро бозорларига маркетинг мажмуи орқали кириб боришига эришиш энг муҳим вазифалардан бирига айланиб қолмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 18 февралдаги «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши айни муддао бўлди.

Маълумки, илгари мамлакатимизда «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси фаолият кўрсатаётган эди. Бу янги ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг таклифига биноан ушбу ташкилот «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантирилади.

Янги компаниянинг асосий йўналишлари нималардан иборат? Бу аввало сармоя, технологиялар, товарлар ва хизматларни миллий экспорт қилувчиларни халқаро бозорларда сиёсий, тижорат ва тадбиркорлик таваккалчиликларидан суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлашдир. Комплекс маркетинг таҳлилини ва Ватанимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг технологиялар, товарлар ва хизматлар халқаро бозорларига самарали кириб бориши стратегияси ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларига жалб этилаётган чет эл инвестицияларини комплекс суғуртавий ҳимоя қилиш шулар сирасига киради.

Мулкдорларни бу компаниянинг устав сармояси ҳажми ҳам қизиқтириши табиий. Муассислар унинг миқдорини 60 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда белгилашди. Ана шу сармоя эса Молия вазирлигининг 50 миллион АҚШ доллари ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 10 миллион АҚШ доллари қийматидаги таъсис бадаллари ҳисобига шаклланади.

Фармонда, тегишли нормаларга мувофиқ, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан келишилган суғурта мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кафил ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Бу ҳол нафақат мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг технологиялар, товарлар ва хизматлар халқаро бозорларига самарали кириб боришини, балки республикамиз иқтисодиётининг устувор йўналишларига жалб этилаётган чет эл инвестицияларини комплекс суғуртавий ҳимоялашни таъминлайди.

Шуниси эътиборлики, янги суғурта компанияси ва унинг ҳудудий шўъба корхоналари беш йил муддатга қадар даромаддан олинадиган солиқ ва мулк солиғини тўлашдан озод этилади. Шунинг ҳисобига тежалган барча маблағлар эса компаниянинг устав сармояси ҳамда унинг суғурта (заҳира) жамғармасини кўпайтиришга йўналтирилади.

Буларнинг ўзиёқ ҳужжатнинг аҳамияти беқиёслигини билдиради. Унинг ижроси туфайли эса мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлаштирилади, экспорт соҳасидаги имкониятларимизни кенгайтириш, ўзимизда жаҳон андозалари талабига жавоб бера оладиган товарлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имкони туғилади.

**И. ҲОТАМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БАДИИЙ АКАДЕМИЯ:

# ДАВР ТАЛАБИ

Учинчи мақола

***Газетамизнинг ўтган сонларида республикамиз Президентининг Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақидаги Фармони муносабати билан санъатимиз тарихига оид анъаналар, ҳозирги Ўзбекистон рассомлари, амалий санъат усталари олдида турган вазифалар хусусида санъатшунос Н. Ойдиновнинг мақолалари билан танишган эдингиз. Ушбу сонда муаллифнинг шу соҳа вакиллари фаолиятига доир мулоҳазаларини ўқийсиз.***

Ҳақиқий тасвирий санъат асари ўзида такрорланмас гўзалликни, чинакам мўъжизани мужассам этади. Бу мўъжизанинг сир-асрорларини билиш, тушуниш учун санъатшунослик борасида етарли маълумотга, билим ва дидга эга бўлиш лозим.

Республикамиз Президентининг Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақидаги Фармони санъатшунос, қадимшунос, файласуф ва шу соҳа педагог олимлари зиммасига бир қанча вазифаларни юклайди. Чунки санъат асарларини ҳар томонлама тушуниб тарғиб этиш, ёшларни бу борада саводхон қилиш айни долзарб масаладир. Эндиликда ўзбек тилида жаҳон, жумладан, Ўзбекистон халқлари санъати тарихига оид қомусий китоблар, мажмуалар яратилиши, таржима қилиб нашр этиш орқали халқимизни, келажак авлодни ҳам миллий, ҳам бутун шарқу ғарб санъати тарихи, замонавий ютуқлари билан таништириш имконияти туғилди. Яратилажак қомусий китоблар, қўлланма ва дарсликларда дунё халқлари санъати тарихидаги илғор оқимлар, буюк мусаввирлар ижодий фаолияти қамраб олиниши зарур. Албатта, бу борада хорижий давлатлар санъатшуносларининг тажрибаларига таяниш яхши натижалар беради. Замонавий санъатнинг серқирра, мураккаб, турли-туман йўналишларга бой тараққиёти ҳам жиддий ёндошишни талаб этади. Дарҳақиқат, тасвирий



санъат сирларини ўзлаштириш, шунингдек, XX асрда пайдо бўлган турли оқим ва йўналишлар ҳақида етарли билимга ва малакага эга бўлиш ҳар бир санъатшунос ва бу соҳа педагог-олимларидан тинимсиз изланишларни талаб этади.

Фармонда буюк аждодларимизнинг ўлмас меросидан, шу билан бирга жаҳон маданиятида эришилган ютуқларга ижодий муносабатда бўлиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Қадимги юнонларнинг нафосат маскани бўлган Парфенон, Европа уйғониш даврининг Леонардо да Винчи, Рафаэл Санти, Тициан, Микеланжело, Алберхт Дюрер каби вакиллари ижодига хос анъаналар, шунингдек, XIX ва XX асрда юзага келган кўплаб йўналишларга хос хусусиятлар жамланган ҳолда, санъатшуносликка доир назарий адабиётлар ёзиш ва нашр этиш лозим. Бундан ташқари, хорижлик илғор санъатшуносларнинг илмий монографиялари, китобларини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этишга ҳам кенг имкониятлар яратиш зарур.

Қадимдан ҳар бир халқ, миллат жаҳон санъатининг равнақига муайян даражада ўз улушини қўшиб келган. Бу жараённинг давоми сифатида янги-янги ижодий изланишлар, санъат намуналари, ижодкорлар майдонга келмоқда. Халқлар, миллатлар, шунингдек, даврлар санъати бир-бирига боғланиб, бир-биридан таъсирланиб ривожланадики, бу вақт давомида ғаройиб самараларни юзага келтиради. Зеро, Фармонда санъат тарихини ҳар томонлама ўрганиш ва ёритиш масалалари таъкидланганида ана шу бой хазинадан унумли фойдаланиш кўзда тутилган.

Ватанимиз тасвирий санъати тарихини ўқиш, ўрганиш, ўзлаштириш соҳа ривожини таъминлабгина қолмай, халқимиз ўтмишини, аждодларимиз турмуш тарзини, урф-одати, маънавий қадриятларини қайта кашф этишга-да ёрдам беради. Шунингдек, ўзбек халқи маданиятининг бир бўлаги бўлган тасвирий ва амалий санъатимиз тарихида яратилган турли-туман ҳайкаллар, маҳобатли деворий расмлар, бадиий безаклар ва бошқа намуналарни ўрганиш ва бундан барчани хабардор қилишдек имкониятни ҳам мазкур Фармон амали орқали юзага чиқариш мумкин.

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи ўтмишнинг мураккаб муаммолари, илғор тараққиёт жараёнлари билан узвий боғланиб кетган. Мураккаб томони шундаки, тасвирий санъат асарларининг яратилган вақти, муаллифлари ҳақида бизгача жуда кам маълумотлар етиб



келган. Айниқса, энг қадимги тасвирий санъат намуналари янада жумбоқли муаммолар билан тўла бўлиб, бу соҳа вакилларини жиддий, астойдил изланишларга жалб этади. Умуман, тасвирий санъатнинг бошқа соҳалар ва фанлардан фарқи шундаки, уни ўрганиш, таҳлил қилиш учун таржимон ёки қўлланма, ё қадимги қўлёзма китоблар ҳар доим ҳам талаб этилавермайди. Муҳими, санъатшунос, файласуф, тарихчи ва педагог олимларимизнинг илмий ва асосли хулосаларига таяниб, ўз дидимиз, билим ва савиямизга таяниб, фикр юрита олсак, бас.

Тасвирий санъат сирлари билан боғлиқ қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Шулардан бирида, ислом динида расм ишлашга ижозат йўқ, деган фикр. Бу борада ислом ва санъат тарихига адолатли ёндошиб, уни ҳар жиҳатдан илмий ўрганиб фикр айтиш керак. Чунки ислом маданияти тараққий этган бизнинг ўлкамизда шундай мусаввирлар етишиб чиқдики, уларнинг фаолиятидан жаҳон тасвирий санъат аҳллари ҳам ўрнак олишган. Жаҳоннинг энг машҳур музейларида сақланаётган нодир асарлар бунга ёрқин далилдир.

Қимматбаҳо ҳайкаллар, амалий безак намуналари, нафис миниатюра расмларнинг жуда катта қисми Париж, Лондон, шунингдек, АҚШнинг кўпгина шаҳарларида, Швеция, Санкт-Петербург, Теҳрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Мўғулистон ва дунёнинг бошқа кўплаб жойларидаги музейларда, шахсий коллекционерлар бисотида сақланаётгани сир эмас. Бизга номаълум бўлган археологик ва санъатшунослик асарлари ҳам кўп. Уларни илмий ўрганиш, таҳлил қилиш, келажак авлодга ўргатиш ҳамда бу борада таълим-тарбия мазмунини такомиллаштириб бориш ҳам асосий омиллардан.

Бу борадаги ишлар аввалида тасвирий санъат тарихини илмий асосда батафсил ёзиб қўлланмалар сифатида чоп этиш масаласи турса, ёш авлодни бу нафосат илмидан баҳраманд қилишнинг илмий ва мантиқий тизимини такомиллаштириш ҳам зарур тадбирлардандир. Ана шундай эҳтиёжлар заминида, шубҳасиз, Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи ётади.

Хуллас, тасвирий ва амалий санъат намуналарини ҳар томонлама таҳлил қилиш бу соҳа равнақига кўмак беришдан ташқари, тарихимизни ва ўзлигимизни англашга ҳам хизмат қилади. Негаки, жонли тасвир, бу тарих кўзгусидир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи фанини умумжаҳон санъати тарихининг узвий қисми сифатида шакллантиришнинг етарли асослари бор. Шу жиҳатдан ҳам Фармон ўзбек санъатшунослик фанининг равнақ топишига, ўзбек тилида санъатшунослик назарияси, тарихига оид илмий тадқиқотларнинг кенг кўламда амалга ошишига шароит туғдиради.

**Норсаид ОЙДИНОВ,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти докторанти.**

# АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

***Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Замонавий қўшиқчилик: мақсад ва муаммолар» мавзусида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда республикамиздаги таниқли хонанда, созанда ва бастакорлар ўзбек миллий қўшиқчилигини ривожлантириш юзасидан фикр алмашишди. Зеро, ушбу масала ҳукуматимизнинг ҳам алоҳида эътиборида турибди. Бундай мақсадга эришиш учун аввало бугунги кунда санъат соҳасига кириб келаётган талантли ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш лозим. Ўзбек санъатини янада юксалтириш мақсадида бундан бир йилча бурун ташкил этилган «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг асосий вазифаларидан бири ҳам мана шундан иборат. Табиийки, халқимиз орасида истеъдодли ёшлар жуда кўп. Фақат уларни излаб топиб, тарбиялаб, қобилиятини тўғри йўлга сола билиш лозим. Бу борада таниқли санъаткорларимизнинг бой тажрибалари ҳам ниҳоятда қўл келиши, шубҳасиз.

Бир гуруҳ умидли ёш ижрочилар ўзлари тайёрлаган қўшиқларини санъат арбоблари муҳокамасига ҳавола этишди. Миллий қўшиқчилигимизнинг келажагини белгилаб берувчи бундай янги овозлар орасида классик қўшиқларга ҳам, замонавий ва эстрада жанрига ҳавас қўйган ёшлар ҳам бор. Энг муҳими, улар санъатда ўз ўринларини топиш учун интилаётганликларини яққол сезиш мумкин. Қолаверса, бу қўшиқларда миллий руҳ уфуриб турибди. Тўғри, ёшлар ижросида ютуқлар билан бирга, баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Лекин уларни тарбиялаб, ижодига сайқал бериб борилса, келажакда яхши хонандалар бўлиб етишишлари мумкин. Йиғилишда иштирок этган санъаткорлар бу йўлда ўз кўмакларини аямасликларини маълум қилишди.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*ОЛТИН МЕРОС*

# БАХШИСИ КЎП ЭЛНИНГ...



*Толеи баланд бўлади. Пешонаси ярқироқ, кўкси бутун, юраги кенг бўлади. Яна не деб тариф берайин? Сўз етармикин ўзи!*

*Шу десангиз, бу Саймон бахшини эшитган чиқарсиз-ов. Сурхон воҳасининг Қизириғидан. Ўзи мактаб кўрмаган. Бор-йўғи уч синф ўқиган. Лекин қонида бор-да, дўмбира чалиб, достонлапар айтишни ҳеч ким ўргатмаса-да, зўр бахши бўлиб кетди. Унинг ўзи ҳам чалиб, ҳам тўқиб, ҳам айтиб кўнглингизни эритиб юборади.*

*Сурхон тарафларда бир қизиқ одат бор: бутун Туркистонни чорлаб, тўйида кураш-кўпкари берсаям, агар бахши чақириб, бир достон айттирмаса, «Ҳа, уккағар-а, хасислик қилди-я» деб сўкиб кетади. Шунинг учун ҳам қаерда тўй олди маслаҳати бўлса, бошчилар қайси бахшини чақирамиз деб қолишади.*

*Саймон бахшиям бир айтса куну туннинг ўтганини билмай қоласиз. «Қўнғирот қўшиқлари», «Келинойнома», «Чўпон қўшиғи»... Э, санайверсак, адоғи йўқ. Хуллас, бундай бахшилар омон бўлсин-да.*

**Нор ҚОБИЛ.**

*СУРАТДА: Саймон бахши ҚУЛМОНОВ.*

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

# ҒАРОЙИБОТЛАР САНДИҒИ

## НАМУНАЛИ КЎЧА

***Қайнона-келин можаросини деярли барча оилада кузатиш мумкин.***

Хитойда ҳам ушбу «нозик дипломатия» тўғрисида турли хил латифалар тўқилган. Лекин буни қарангки, Хитойнинг шимоли-шарқидаги Далиян шаҳрида қайнона-келинлар худди она-болалардек яшайдиган бир кўча бор экан. Шаҳар ижтимоий таъминот хизмати вакиллари ҳамда маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, 50 нафар оила истиқомат қиладиган бу кўчада бирор марта ҳам «қайнона-келин» можароси содир бўлмаган.

Маълум бўлишича, хонадондаги тотувлик ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат қилишга асосланган экан. Яъни, энг шинам ётоқ кексаларга берилади, рангли телевизор ҳам аксари ҳолларда ўша хонага қўйилади. Ёзилмаган тартиб-қоидага биноан, янги келин тўйдан кейин барча қўшнилар уйига «самимий ташриф» буюради. Бундай муҳитда эса, табиийки, бирор жанжал пайдо бўлиши қийин.

## ҒОЛИБЛАРГА 100 МИНГ ФРАНК

Яшил нўхотли «Сен-жермен» шўрваси, қўзи гўштидан тайёрланган «Софи» котлети, олча шарбатига бўктирилган жўжа қовурдоғи -- «Монморанси», каштандан олинадиган монблан ва шунга ўхшаш кўплаб оғизнинг сувини қочирадиган француз миллий таомлари эндиликда «юксак француз модаси» билан бир хил мавқега эга бўлди. Франция Маданият вазирлиги «маданият индустриясининг ажралмас бўлаги» бўлмиш миллий таомларга эътиборни кучайтириш мақсадида махсус баёнот қабул қилди. Қуруқ баёнот билан чекланиб қолмаслик учун, вазирлик умумий ҳажми 100 минг франкка тенг миқдорда учта мукофот жорий қилган. Мукофотлар ошпазлик соҳасида ўзини кўрсата олган ёшларга уларнинг малакасини ошириш ҳамда бўлғуси пазандаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида берилади.

## КАРНАВАЛЛАР МАМЛАКАТИ

***Ҳар хил байрамлар ўйлаб топишни хуш кўрадиган Бразилия халқи яна бир катта тантанани ўтказди.***

Навбатдаги байрам Бразилиянинг таниқли адиби Жорж Амадуга бағишланган бўлиб, у Салвадор шаҳри марказида бўлди. Унга мамлакатнинг энг бообрў санъаткорлари таклиф қилинди.

Маълумки, Ж. Амаду ўзининг илк китобига «Карнаваллар мамлакати» дея ном берган эди. Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, Жорж Амадунинг қаҳрамонлари иштирокидаги кичик эпизодлар, муаллиф асарлари бўйича олинган кинофильмларда ижро этилган мусиқа ва «кўплаб бошқа қизиқ томошалар» намойиш этиладиган карнавалда адибнинг ўзи ҳам иштирок этган экан.


# Телевизорлар
## CS-7277PTR

Bio
ULTRA Bio VISION




**Фирма дўконлари**

| | | | |
|---|---|---|---|
| Кафолат Файз | Тошкент | Эскижўва кўчаси,"Чорсу" бозори | (3712) 42-29-89 |
| Кафолат Файз | Тошкент | Қодирий кўчаси,1,"Турон" меҳмон. | (3712) 41-46-38 |
| Кало Холдинг | Тошкент | Бешёғоч,Туроб Тўла кўчаси,2 | (3712) 45-36-05 |
| Кало Холдинг | Тошкент | Қоратош,Хўжаев кўчаси,2 | (3712) 45-35-33 |
| ТОУ Ко.Лтд. | Тошкент | Ҳамид Олимжон кўчаси,13 "А" | (3712) 33-31-08 |
| ТОУ Ко.Лтд. | Тошкент | Амир Темур кўчаси,110 | (3712) 34-02-58 |
| Отахон | Фарғона | Ал-Фарғоний кўчаси,20 | (3712) 24-78-76 |
| Наврўз | Андижон | Мустақиллик кўчаси,14 | (37422) 43-8-60 |
| Интек | Ашгабат | Туркманбоши кўчаси,25/22 | (3632) 350238-44 |
| Кафолат | Душанбе | Пушкин кўчаси,85 | (3772) 21-81-22 |

**Мультитизим. БИО. Телематн. Ультраяпасқи биокинескоп. Тасвирда тасвир функцияси (2 тюнер). Компактли юқори технологик дизайн. Бошқарув панелининг янги дизайни. Мультистерео (икки канал/NICAM). Овозни икки каналдан чиқариш. Ахборотни экранга бир неча тилда (инглиз, рус, венгер, поляк, чех) чиқариш функцияси. Паст шовқинли кучайтиргич. Тасвирни яхшилашнинг махсус занжири. Видеосигнални яхшилаш тизими. 100 каналли созлаш имконияти. Уйқи таймери /соатлар/ қўйиш/ўчириш таймери. Ранг, тиниқлик, аниқлик, овознинг баланд-пастлигини хотирлаб қолиш имконияти. Кабель телевидениеси учун гипер-частоталар полосаси.**

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг:
"Самсунг Электроникс Ко."
Алмати офис:
Алмати,Орбита-3, 52"А"-уй.
Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05, 20-48-24.
Факс: 20-12-38.

Technology that works for life

SAMSUNG ELECTRONICS

SAMSUNG


**«ШАЛАР» хусусий фирмаси тугатилади. Барча даъволар эълон газетада чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Манзил: Тошкент ш., Жарариқ мавзеси, 6-уй, 39-хона.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитаси жамоаси қўмита бўлим бошлиғи Раҳмат Абдукаримовга отаси
**Тўхта АБДУКАРИМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» тресси жамоаси «Энергоқурилишматериаллари» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Собир Юсуповга онаси
**Инобат СУЛТОНОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Мулкдор» иқтисодий ҳафталик газетаси жамоаси газета бош муҳарририниг биринчи ўринбосари Саидолим Ҳайдаровга отаси
**Эргашхон ҲАЙДАРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТошДТУ жамоаси «Кончилик ва геология-қидирув ишлари иқтисодиёти» кафедраси доценти
**Зокир ЗОКИРОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир: А. УСМОНОВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

**· МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

Навбатчи муҳаррир —Т. Долиев.
Навбатчи —F. Эшмуродов.
Мусаҳҳиҳ —А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 088 44.000 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 20.40** 1 2 3 4 5 6